БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№91 (236) 2018 йил 20 ноябрь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ КОНГРЕССИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 ноябрь куни конгрессмен Трент Келли бошчилигидаги АҚШ Конгресси делегациясини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари таркибида АҚШ Вакиллар палатаси аъзолари Висенте Гонсалес, Рональд Эстес, Рожер Маршалл ва Женнифер Гонсалес Колон ҳам бўлган делегацияни самимий қутлар экан, конгрессменларни АҚШ парламентига оралиқ сайловнинг муваффақиятли ўтгани билан табриклади.

Кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил май ойида Вашингтонда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб бергани таъкидланди.

Турли йўналишлар бўйича икки томонлама алоқалар фаоллашди, конструктив сиёсий мулоқот йўлга қўйилди, парламентлараро алмашувлар, шунингдек, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик кенгаймоқда.

Савдо-иқтисодий соҳада биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ўзаро савдо ҳажмини ошириш, Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишга етакчи АҚШ компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари ва технологияларини жалб этиш борасида аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошидан буён ўтган даврнинг ўзида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ортди, мамлакатимизда АҚШ капитали иштирокида 25 дан зиёд янги корхона ташкил этилди.

Октябрь ойида мамлакатимизда АҚШ савдо вазири Уилбур Росс бошчилигидаги нуфузли делегация иштирокида биринчи марта Америка бизнеси ҳафталигининг ишбилармонлик тадбирлари ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Вакиллар палатасида конгрессменлар Т. Келли ва В. Гонсалес раҳбарлигида «Ўзбекистон бўйича кокус» ташкил этилганини мамнуният билан қайд этди. Ушбу механизм ҳар томонлама муносабатларни кенгайтириш ва аниқ иқтисодий лойиҳаларни илгари суришда самарали омил бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга доир, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратиш ҳамда бу борадаги қўшма лойиҳаларни, аввало, ҳудудлараро даражада қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Конгрессменлар давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган ҳамда барча соҳа ва йўналишларни қамраб олган ислоҳот ва янгиланишларга юксак баҳо берди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтиришга фаол кўмаклашишга тайёрлик таъкидланди.

**ЎзА.**



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланиб, изчил мустаҳкамланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этдилар.

Барча даража ва йўналишлардаги алоқалар фаоллашуви кўп қиррали Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришга хизмат қилаётганини таъкидланди.

Ўзаро савдо ҳажми ортиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида, хусусан, ҳудудлар ва ишбилармон доиралар ўртасида кооперация кенгайиб бормоқда. Жорий йил 15 ноябрь куни Чимкент шаҳрида икки мамлакат чегараолди ҳудудлари ва етакчи компаниялари раҳбарлари иштирокида биринчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми муваффақиятли ўтказилди.

Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида ишбилармонлик ва маданий-гуманитар алмашув дастури сермазмун бўлгани қайд этилди. Йил бошидан буён жами 50 дан ортиқ қўшма тадбир ўтказилгани бунинг тасдиғидир.

Мулоқот давомида давлат раҳбарлари олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасидаги амалий ҳамкорлик истиқболларини, шунингдек, бўлажак тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

Долзарб минтақавий ва халқаро масалалар, жумладан, 2019 йилда мамлакатимизда ўтказиладиган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг иккинчи маслаҳат учрашувига тайёргарлик ишлари хусусида фикр алмашилди.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари қардош Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларининг фаровонлиги ҳамда бутун минтақада барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш йўлида кенг кўламли ҳамкорликни бундан буён ҳам фаол ривожлантириш, кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини, икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

**ЎзА.**

Хушхабарлар







## Наманганга йўлдош шаҳарча

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Наманган вилоятида ҳам улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳар куни янги бинолар фойдаланишга топширилиб, қанчадан-қанча оилалар уй-жойли бўлишмоқда, янги корхоналарнинг ишга туширилиши муносабати билан кўплаб юртдошларимиз доимий иш ўринларига эга бўлишмоқда.

Куни кеча Наманган вилоятида ҳам ана шундай қувончли воқеалар рўй берди. Улардан бири Наманган шаҳрининг Юксалиш маҳалласида 588 та оилага мўлжалланган 14 та 7 қаватли замонавий турар жой биноси фойдаланишга топширилганидир. Катта тантанага айланган ушбу маросимда вилоят, шаҳар ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла аҳолиси, фахрийлар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида гуллар шаҳрининг Юксалиш маҳалласида улкан бунёдкорлик, кенг кўламдаги ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

*(Давоми 3-бетда)*

## Янгиланишлар оғушидаги воҳа

Тан олиш жоиз, илгари кексаю ёш оғзидан «свет кўп ўчяпти», «кўчаларимиз лой, чанг», «қишлоқ йўллари ўнқир-чўнқир» каби гаплар тушмасди. Ўша пайтларда тўй қилинса, «свет»дан кўнгил хотиржам бўлиши учун албатта «движок»ка буюртма бериларди. Қишлоқ одамлари сувни эшак арава ёки велосипедда ташиб ичишарди...

Бу каби муаммоларни санаб адоғига етолмасдингиз.

Бугун-чи? Ёшу қарининг тилида «свет энди ўчмаяпти», «худди шаҳарникидек, туну кун ёниқ», «қишлоғимизда шаҳар типида бир-биридан шинам уй-жойлар барпо этилмоқда», «янги гузарлар пайдо бўляпти, «касалхона янгидан қурилди», «спорт майдончамиз бор», «боғчамиз чиройли бўлди», «тўйхона оғиримизни енгил қилмоқда...» каби шукрона сўзлар. Бугун бундай янгиланишларни адоғи йўқ. Тўғри, барча муаммолар тўлиқ, бекаму кўст ҳал этилди, дея олмаймиз. Лекин, қилинаётган ишлар кўлами аҳоли дилини яйратяпти, келажакка бўлган ишончни оширяпти.

### ШУКРОНАЛИК

Юртимизнинг энг жанубий ҳудуди саналмиш Сурхондарё вилоятига хизмат сафари билан борганимизда, кўчалару хиёбонлардан ўтаётиб, одамлар кайфияти, хушчақчақлигини кўриб кўнглимизда шу янглиғ фикрлар ўтди. Инсонларнинг чеҳраларидаги табассум ва иликликда бугунги кунга шукроналик, эртанги фаровон кунларга бўлган ишонч борлиги сезилиб турибди.

Вилоятнинг бир томондан Туркманистон, бир томондан Афғонистон билан чегарадош Музработ туманига келганимизда дилимиз янада равшан тортди. Сабаби, бу ҳудудда ободлик, гўзаллик ва саранжом-саришталик билан рўбару бўлганимизни ҳис қилдик. Тумандаги «Сарҳад» массивида жойлашган «Юртим жамоли», Ат-Термизий ва «Янги диёр» маҳаллаларида «Обод қишлоқ» дастури бўйича улкан ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик.

Туман ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, «Обод қишлоқ» дастури бўйича жами 11 та (қиймати 19 млрд сўм) ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш белгиланган. Мазкур объектларнинг аксарияти фойдаланишга топширилгани кишини қувонтиради. Чунки бу объектларнинг деярли барчаси келажак авлодимизнинг таълиму тарбиясига хизмат кўрсатувчи мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари-да.

Бажарилган ишлар билан яқиндан танишиш, бунёдкорлик ишларида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ҳамда аҳоли билан суҳбатлашиш илинжида даставвал «Юртим жамоли» маҳалласига йўл олдик.

– Мазкур маҳалла ҳудуди салкам олти ой давомида янгича қиёфага эга бўлди, – дейди бизга ҳамроҳлик қилаётган вилоят қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Бобур Усмонов. – Агар ишонсангиз, ҳудудда кундузи аҳолининг борадиган жойи, кирадиган тузукроқ дўкони ҳам деярли йўқ, тунги вақтлари эса бу ерда юришнинг ўзи қўрқинчли эди. Архитектура талабларига умуман жавоб бермайдиган уйлар, қўшимча қурилмалар маҳалладан кўрк қолдирмаганди. Ҳаттоки, кўчалар ҳам тўсилиб, улар уй эгалари томонидан эгаллаб олинган эди.

*(Давоми 4-бетда)*











Жорий йилнинг 17 ноябрь куни Наманган вилояти ҳокимлигида «Hyundai» тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича инвестицион шартномани имзолаш маросими бўлиб ўтди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

# НАМАНГАНГА ЙЎЛДОШ ШАҲАРЧА

Жумладан, мазкур ҳудудда тоза ичимлик ва оқава суви қувурлари, табиий газ, янги электр тармоқлари тортилиб, кенг ва равон йўллар бунёд этилмоқда. Эскилари тўла-тўкис реконструкция қилиниб, тунги ёриткичлар билан таъминланди. Ҳар бири 42 хонадондан иборат уйларнинг ҳовлилари болалар майдончалари, спорт майдонлари, хиёбонлари эса гулзорлар билан обод қилинди. Бундан ташқари, маҳалладаги мавжуд 8 та кўп қаватли уй-жой ҳам таъмирланди.

«Ўзшаҳар қурилиш инвест» инжиниринг компанияси буюртмаси асосида амалга оширилган бу лойиҳага бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 150 миллиард сўм сарфланди. Қурилиш-монтаж ишлари «Янгиқўрғон сервис қурувчи» ва «Дегрез қурилиш савдо инвест» масъулияти чекланган жамиятлари бош пудратчилигида бир қатор турдош корхоналар томонидан бажарилмоқда. Қурилиш ишларига 1 000 нафарга яқин қурувчи, 50 дан зиёд махсус техника ва 100 дан ортиқ транспорт воситаси жалб этилган.

Айни пайтда ҳудуддаги йўлларни асфальтлаш, умумтаълим мактабини таъмирлаш ва қўшимча бино қуриш, поликлиника ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини идорасини реконструкция қилиш қизғин давом эттирилмоқда. Шунингдек, 385 ўринга мўлжалланган болалар боғчаси қурилиши бошлаб юборилган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳудудда «Юксалиш» кичик саноат зонаси ҳам ташкил этилган бўлиб, бу ерда тадбиркорлик субъектларининг 60 дан зиёд лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ташкил қилинмоқда. Лойиҳаларнинг тўлиқ амалга оширилиши билан 7 000 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Яъни, янги шаҳарча аҳолисининг бандлиги ҳам таъминланади.

Дарвоқе, Юксалиш маҳалласини ҳозирдан шаҳарча деб айтилишига ҳам тўла асосимиз бор. Чунки фойдаланишга топширилган уйлар оралаб ўтган йўлнинг нариги тарафида ўнлаб минорали кранлар ва қурувчилар ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. У ерда 14 та 7 қаватли турар жойнинг пойдевори қурилган. Мазкур турар жойлар роса бир йилдан кейин фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Умуман олганда, 2020 йилгача мазкур ҳудудда 70 дан ортиқ кўп квартирали уй қурилиши кўзда тутилган. Булардан англаш мумкинки, Юксалиш маҳалласи яқин келажакда Наманган шаҳрининг йўлдош шаҳарчасига айланади.

Маросимда 21 нафар ногиронлиги бор юртдошимиз, 6 та кам таъминланган оила ва ёшлар иттифоқининг 32 нафар фаол аъзосига имтиёзли кредитлар асосида хонадонлар топширилди. Бундан ташқари, 36 нафар ногиронлиги бор фуқарога махсус аравачалар ҳам туҳфа этилди.

– Муҳтарам Президентимизнинг биз, ногиронларга кўрсатаётган ғамхўрликларини сўз билан ифода этиб бўлмайди, – дейди янги уй соҳибаси, биринчи гуруҳ ногирони Ф. Мирабдуллаева. – Чунки ҳаётда, жамиятда ўз ўрни борлигини ҳис қилиб яшаш инсон учун катта бахт. Яратганнинг «Бирни берганга ўнни бераман», дeган ваъдаси бор. Илоҳим бизларга кўрсатилаётган бу меҳр-мурувватнинг меваси Юртбошимизга, эзгу ишлар бошида турган барча раҳбарларимизга минг чандон зиёда бўлиб қайтсин!

Маросимда бунёдкорлик ишларида ибрат кўрсатган қурилиш корхоналари раҳбарлари ва ишчиларига вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

# ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИГА ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛДИ




Вилоятда рўй берган яна бир қувончли воқеа ҳақида ҳам тўхталсак. Жорий йилнинг 17 ноябрь санаси нафақат Наманган вилояти, балки кўп миллатли Ўзбекистон аҳли ҳаётида унутилмас саналардан бири бўлиб қолади. Сабаби, шу кунда Наманган вилояти ҳокимлигида «Hyundai» тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича инвестицион шартномани имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Шартномани Ўзбекистон Республикаси томонидан Наманган вилояти ҳокими Х.Бозоров, Корея Республикаси томонидан «Hyundai Motor» компаниясининг юк машиналари бўйича президенти Ли Ин Чэол, «Posco-Daewoo corporation» компанияси Автоматик бўлими президенти ўринбосари Ли Санг Хун ва «Evergreen Motors Group» компанияси президенти Ким Чанг Кён имзолади.

Маълумки, ўтган йилнинг 22-25 ноябрь кунлари Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жанубий Корея Республикасига давлат ташрифини амалга оширган эди. Ташрифнинг асосий воқеалари 23 ноябрь куни бўлиб, давлатимиз раҳбари дастлаб икки мамлакат иқтисодий ва молиявий тузилмалари раҳбарлари, етакчи ишбилармонлари иштирокида ўтган Жанубий Корея – Ўзбекистон безнес-форумида қатнашган ва кореялик ишбилармонларни ҳамкорликда ишлашга таклиф этган эди.

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани «Етти кон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янгидан бунёд этилаётган «Hyundai» тижорат автомобиль ишлаб чиқариш заводи Юртбошимизнинг Жанубий Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифининг самарали натижаларидан бири экани, тадбир қатнашчилари, хусусан, икки ҳамкор давлат расмий вакиллари томонидан эътироф этилди. Яқин келажакда кореялик ишбилармон доира вакиллари билан ўзаро ҳамкорликда ишлашнинг бошқа янги истиқболли қирраларига ҳам катта эътибор қаратилиши, дўстлик ришталари янада мустаҳкамланишига ишонч билдирилди.

Имзолаш маросимида, шунингдек, Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Квон Ён У, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Л. Қудратов, ташқи савдо вазири ўринбосари С. Саифназаров, Президент Администрацияси масъул ходими Б. Юсупов ва бошқа расмий идоралар вакиллари, хорижлик ва маҳаллий журналистлар иштирок этди.

– Ватанимиз қисқа фурсат ичида дунё ҳамжамияти орасида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб бормоқда, – дея ўз хурсандчилигини баён этади тўрақўрғонлик меҳнат фахрийси Исмоил Сатторов. – Бугун асрлар давомида етиша олмаган орзу-ҳавасларга эришмоқдамиз. Жорий йилнинг ўзида биргина бизнинг Тўрақўрғон туманида қанчадан-қанча улкан бунёдкорлик, кенг кўламдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бир-биридан кўркам ва обод қишлоқлар пайдо бўлди. Замонавий турар жойлар қад ростлади. Айниқса, туманимиз маркази – Тўрақўрғон шаҳри киши таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ҳамюртимиз, атоқли маърифатпарвар шоир Исҳоқхон Тўра Ибрат номидаги ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди. Буларнинг барчаси учун муҳтарам Юртбошимизга алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 апрелдаги «Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида атоқли маърифатпарвар шоир Исҳоқхон Ибрат номидаги ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан улкан бунёдкорлик ишлари бажарилиб, туман маркази Тўрақўрғон шаҳри озод юртимизнинг обод гўшаларидан бирига айлантирилди. Бундан ташқари, Тўрақўрғон туманида барпо этилаётган қуввати 900 МВтли иссиқлик электр станцияси мамлакатимиз энергетика соҳаси салоҳиятини юксалтириш борасидаги истиқболли лойиҳалардан бири ҳисобланади. Тамал тоши қўйилиб, бунёд этилаётган «Hyundai» автомобиль заводи ана шундай эзгу ишларнинг мантиқий давоми десак, муболаға бўлмайди.

Тўрақўрғон туманида «Hyundai Motor», «Evergreen Motors» ҳамда «Posco Daewoo corporation» компаниялари ҳамкорлигида қурилиши бошланган автомобиль заводи 2019 йилнинг сентябрида илк маҳсулотларини чиқаришни бошлайди. Дастлабки босқичда йилига 400 та кичик юк машиналари, микро автобуслар ҳамда автобуслар ишлаб чиқарилади. Босқичма-босқич завод ўз фаолиятини кенгайтириб, автомобиль ишлаб чиқаришни 2 500 тага етказади. Маҳаллийлаштириш дастури ҳисобига эҳтиёж қисмларининг 50 фоизи корхонанинг ўзида тайёрланади. Завод тўла қувват билан ишга тушгач, унинг ишчи-хизматчилари сони 1 000 нафардан ортади. Энг муҳими, Ўзбекистон машиналари нафақат ички бозор, балки ташқи бозорни ҳам забт этади.

Тантанали маросимларда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori»**
**махсус мухбири.**

## МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Ғиждувон деҳқон бозор қурилиши» МЧЖ

### қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги «Ғиждувон деҳқон бозори» АЖ ҳудудида жойлашган савдо-хунармандчилик павильонларини реконструкция қилиш ва қўшимча савдо дўконлари қурилиши.

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** –
58 466 700 173 сўм ҚҚС билан;
48 722 250 144 сўм ҚҚСсиз.

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2019 йил 1 ноябрь.

**Буюртмачи:** «Ғиждувон деҳқон бозор қурилиши» МЧЖ.

**Манзил:** Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, Ю. Ҳамадоний кўчаси, 75-уй.

**Телефон:** 65-572-66-08.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш манбаси:** юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ҳисобидан.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар, етарли касбий ва техникавий малака, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

**Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:** қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Бухоро вилояти ҳудудий консалтинг марказининг қуйидаги манзилига мурожаат этиш мумкин:** Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 6-уй.

**Телефон/факс:** 65-223-97-51, 65-223-96-29.

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг қиймати** – 120 000 сўм.

Таклиф (оферта)лар танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклиф (оферта)ларни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиши куни ва соати.

**Таклиф (оферта)лар очилиши эълон матбуотда берилган санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 6-уй.

**Изоҳ:** таклиф (оферта)лар очилишининг аниқ куни ва соати талабгор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдолари ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.

## ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

## АО «Навоиазот»

### объявляет тендер по объекту:

«Строительство подъездного железнодорожного пути к территории АО «Navoiyazot» по производству поливинилхлорида (ПВХ), каустической соды и метанола (участок 1 и 2)».

**Предельная стоимость заказчика составляет** –
4 822 189 526 сум с учетом НДС;
4 018 491 271 сум без учета НДС.

**Срок окончания работ, установленный заказчиком** – 3 месяца.

**Заказчик** – АО «Навоиазот».

**Адрес:** город Навои, улица Навои, 5.

**Источник финансирования проекта:** осуществляется за счёт собственных средств АО «Навоиазот».

**Предприятия и организации, выступающие в качестве участников, должны соответствовать следующим требованиям:** иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета тендера или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных тендерному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

**При участии в тендере отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки тендерных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков:** при проведении оценки тендерных предложений участников тендерные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

**Для участия в тендере участникам необходимо обратиться с запросом к организатору тендера – Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу:** г. Навои, ул. Зарапетян, 10.

**Тел.:** (79) 220-50-03, 220-50-04.

Тендерную документацию можно скачать в специальном информационном портале http://exarid.uzex.uz или получить у организатора тендера.

**Предложения принимаются организатором тендера по адресу:** г. Навои, ул. Зарапетян, 10.

**Тел.:** (79) 220-50-03, 220-50-04.

**Крайний срок представления предложения организатору тендера – до истечения 30 календарных дней после публикации объявления на специальном информационном портале.**

**Вскрытие предложений состоится по адресу:** г. Навои, ул. Зарапетян, 10, не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в специальном информационном портале (дату и время сообщим дополнительно).

## «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ

### объектнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Аукцион савдосига «Агрокимёҳимоя» ҲАЖга қарашли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади:**

1. Чироқчи тумани, «Олмазор» МФЙ, Қорателпак қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 400,00 квадрат метр бўлган минерал ўғит сақлаш омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 35 336 926 сўм.

2. Чироқчи тумани, «Ғаллачи» МФЙ, Ғаллачи қишлоғи ҳудудида жойлашган, **умумий майдони** 1 100,0 квадрат метр бўлган минерал ўғит сақлаш омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 55 037 279 сўм.

3. Чироқчи тумани, «Торжилға» МФЙ, Қорақия қишлоғи ҳудудида жойлашган **умумий майдони** 1 800,0 квадрат метр бўлган минерал ўғит сақлаш омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 47 794 863 сўм.

4. Чироқчи тумани, «Шўрқудуқ» МФЙ, Шўрқудуқ қишлоғи ҳудудида жойлашган, **умумий майдони** 700,00 квадрат метр бўлган минерал ўғит сақлаш омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 54 128 448 сўм.

5. Чироқчи тумани, «Шўрқудуқ» МФЙ, Наймансарой қишлоғи ҳудудида жойлашган, **умумий майдони** 2 500,0 квадрат метр бўлган минерал ўғит сақлаш омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 99 180 330 сўм.

6. Чироқчи тумани, «Пахталисой» МФЙ, «Пахталисой» қишлоғи ҳудудида жойлашган, **умумий майдони** 3 900,0 квадрат метр бўлган минерал ўғит сақлаш омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 77 149 551 сўм.

7. Миришкор тумани, «Гулистон» МФЙ, Гулистон қишлоғида жойлашган, **умумий майдони** 4 468,0 квадрат метр бўлган ҳашарчилар учун ювиниш биноси ва ҳожатхона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 137 767 395 сўм.

8. Косон тумани, «Сурхон» массиви ҳудудида жойлашган, **умумий майдони** 8 000,0 квадрат метр бўлган пахта йиғим-теримига жалб қилинадиган ҳашарчиларга 300 ўринли ётоқхона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 690 552 127 сўм.

## «Qashqadaryo kim oshdi savdo» МЧЖ

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**Савдоларга Китоб туманидаги «Китоб Боғ чашма» МЧЖ ММТПга қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:**

1. 1992 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, КАМАЗ-354112 русумли, давлат рақами 18 AJ 830 бўлган автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 5 200 000 сўм.

2. 1987 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, ГАЗ-53 русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 6 300 000 сўм.

3. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, ДАМАС русумли, давлат рақами 70 948 NAA бўлган автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 11 100 000 сўм.

4. 1992 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, ГАЗ-53 русумли, давлат рақами 18 AJ 831 бўлган автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 5 100 000 сўм.

**Аукцион савдолари 2018 йил 21 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биносида ўтказилади.**

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, 4-митти туман, **мўлжал:** «Парвина» кафесининг ёни)да қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш 2018 йил 20 декабрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш ва тўловларни сотувчи билан тузиладиган олди-сотди шартномасига асосан амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар кўрсатилган объектни сотиб олиш учун буюртманомалар, «Закалат пули тўғрисида»ги келишувга асосан савдога қўйилган объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона (ташкилот) устави ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим этишлари шарт.

**Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар:** «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ, АТИБ «Ипотека банк» Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5049 4256 0001 СТИР 302 126 648.

**Манзил:** Қарши шаҳри, 4-митти туман.
**Мўлжал:** «Парвина» кафеси.
**Телефон:** (95) 505-08-99.
**E-mail:** ikoskarshi@yandex.com
**Расмий сайт:** www.ikos.uz

Хизматлар лицензияланган.
RR-0111 сонли лицензия.

## «Дон-халқ ризқи» акциядорлик жамияти

Кузатув кенгашининг қарорига асосан жамиятнинг 2018 йил 9 ойлик якуни бўйича олинган соф фойда тақсимоти юзасидан ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши 2018 йил 30 ноябрь куни соат 15.00 дан бошлаб жамият мажлислар залида ўтказилади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. «Дон халқ ризқи» АЖнинг 2018 йил 9 ойлик якуни бўйича олинган соф фойда тақсимоти.

## Сообщение Центрального банка Республики Узбекистан

**Центральный банк Республики Узбекистан установил с 20 ноября 2018 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных и других обязательных платежей *)**

1 доллар США – 8277,53
1 ЕВРО – 9451,28
1 российский рубль – 125,56
1 фунт стерлингов – 10625,87
1 южнокорейская вона – 7,39
1 японская йена – 73,37
1 малайзийский ринггит – 1975,54
1 китайский юань – 1193,30
1 швейцарский франк – 8280,01
1 дирхам ОАЭ – 2253,74
1 египетский фунт – 463,47
1 австралийский доллар – 6070,74
1 турецкая лира – 1552,77
1 сингапурский доллар – 6033,62
1 СДР – 11442,20
1 канадский доллар – 6298,05
1 украинская гривна – 298,45
1 польский злотый – 2190,40
1 кувейтский динар – 27238,57

***) Курсы установлены без обязательств Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данному курсу.**

«Обод қишлоқ» дастури бўйича бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган «Юртим жамоли», Ат-Термизий ва «Янги диёр» маҳаллаларида жами 1 824 та хонадон мавжуд бўлиб, 11 553 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шу жумладан, кам таъминланган оилалар сони жами 47 та, ногиронлар сони 180 нафарни ташкил этади.





(Давоми. Боши 1-бетда)

# Янгиланишлар оғушидаги воҳа

Дастурда белгиланган ишларни амалга ошириш асносида учала маҳаллада салкам 5 мингга яқин ноқонуний қурилган, архитектура талабларига жавоб бермайдиган қурилмалар бузиб ташланди. Деворлар, уйлар қуриб, ёпиб қўйилган 10 дан зиёд кўчалар қайтадан очилиб, таъмирланмоқда. Тўғри-да, кўркамликка, шинамликка соя солувчи бундай иморатлар кимга керак? Уларнинг ўрнида йўлкалар, хиёбонлар, болалар майдончалари барпо этиляпти, кўчани ёритиб турадиган мосламалар ўрнатиляпти.

Массив ҳудудида жойлашган ҳар учала маҳалла фуқаролар йиғини учун янги, замон талабларига мос келадиган бинолар қурилган бўлиб, уларнинг барчаси бугунги кунда маҳалла аҳлига хизмат қилмоқда.

«Юртим жамоли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нилуфар Ҳосилова билан ҳам суҳбатимиз ана шундай янги бинода бўлди. Маҳалла раиси бинодаги шарт-шароитлар билан таништирар экан, унинг бу янгиланишлардан мамнун эканини англадик. Бўлмасам-чи, шинам, чиройли ва ёруғ, устига-устак барча шароитлар муҳайё этилган бундай бинода ишлашнинг ўзи мароқли эмасми?!

– Яйраб ишлаяпмиз, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини мутахассиси Зарифа Абраева. – Эски ва шарт-шароити йўқ жойда ўтириб, одамлар билан озодалик, ободлик, саришталик ҳақида сўзлашишга уялардик. Энди ҳаммаси янгича, ҳаммаси ўзгача. Бинога кириб келган аҳоли вакилларининг баҳри дили очилади.

Маҳалладаги ижтимоий объектлардан бири ҳисобланган янгидан барпо этилаётган 21-мусиқа ва санъат мактаби ҳозирдан ҳудудга кўрк бағишлай бошлаган. Ушбу объект буюртмачиси вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси бўлса, қурилиш ишлари «Асадулла Фирдавс» хусусий корхонаси томонидан бажарилмоқда.

Лойиҳачи «Ҳумо-Дизайн» хусусий корхонаси раҳбари Комил Хўжақулов ҳам унинг чизмаларига мувофиқ бунёд этилаётган иморат кўрку жамолига боқиб, фахрланаётганини яширмайди:

– Эл-юртга наф келтираётганингизни ҳис қилганингизда, одамларнинг миннатдор чеҳрасига кўзингиз тушганида дилингиз яйраб кетар экан, – дейди у. – Тўғри-да, қурувчилик касбида ишлаб, қанчадан-қанча уй қуриб, мактаб, муассаса ва турли иншоотлар бунёд этиб, фойдаланишга топширдик. Барпо этилаётган мусиқа ва санъат мактаби ижод қилишга, санъатга ошно бўлган фарзандларимиз учун хизмат қилади. Лойиҳа қиймати 4 миллиард 800 миллион сўмлик бу бинони фойдаланишга топширишимизга ҳам оз фурсат қолди.

Қўш қаватли бу мактаб 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, 12 та кенг ва ёруғ синф хоналаридан иборат. Бино ёш авлодни мусиқа ва санъатга бўлган интилишини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши табиий. Чунки, илгари эски ва ёғочдан қурилган бинода бундай қулайликлар йўқ эди. Эски мусиқа мактаби ўрнида эса айни пайтда «Китоб олами» кутубхонаси барпо этилибди. «Чирой» хусусий корхонаси бунёдкорлари ишни якунига етказиш учун зўр иштиёқ билан меҳнат қилмоқдалар. Бундан ташқари, маҳалла маъмурий биноси яқинида икки гектарли хиёбон барпо этилиб, ёшу қари ҳордиқ чиқариши учун янги ўриндиқлар ўрнатилди. Бу ерда қурилган фаввора эса маҳалла аҳлига, айниқса, ёзнинг жазирамасида хушёқиши аниқ.

– Маҳалла фуқаролар йиғини ёнидаги мана бу бино илгарилари ётоқхона вазифасини ўтарди, жуда аянчли аҳволда эди, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н. Ҳосилова. – Мазкур бино ҳам қайтадан реконструкция қилиниб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга топширилди.

– Беш нафар фарзандим билан ижарама-ижара юриб чарчагандим, – дейди Гуласал Мустафоева. – Оиламиз учун уч хонали уй ажратилганини эшитганимда бошим кўкка етди. Қувончим ичимга сиғмай қолди. Фурсатдан фойдаланиб, шу уйни қурган ва бизга расмийлаштириб берган мутасадди раҳбарларга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Икки фарзанднинг онаси Ҳилола Наимова ҳам ана шундай қувончли онларга етишди. Унга икки хонали уй берилди.

– Ўз уйимизга эга бўлганимиздан хурсандман, – дейди Ҳ. Наимованинг ўғли Озоджон Каримов. – Энди яхши ўқиб, келгусида эл-юртга фойда келтирадиган инсон бўлишга ҳаракат қиламан.

Яна бизни қувонтирган жиҳат шунда бўлдики, тадбиркор Санжарбек Сувонов банк кредити ва ўз маблағи ҳисобига маҳаллада ҳаммом барпо этмоқда.

– Замонавий ва барча қулайликларга эга бу объектнинг лойиҳа қиймати 1 миллиард 200 миллион сўмга тенг бўлиб, иншоот битказилганидан сўнг бу ерда беш киши доимий иш билан таъминланади, – дейди тадбиркор. – Мазкур иншоотни замон талабларига мос равишда барпо этмоқдамиз. Аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, бинонинг ўзида керакли ашёларни харид қилиш учун савдо дўкони ва гўзаллик салони ҳам жой олган.

Айтаверсак, гап кўп, таассуротлар талай. Масалан, яна бир тадбиркор Қудратжон Худойқулов томонидан 450 миллион сўмлик инвестиция эвазига муҳташам савдо мажмуаси барпо этилди. Мазкур кўркам бино аҳолига хизмат кўрсатиш баробарида ҳудуд чиройига чирой қўшиши аниқ.

Ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга бел боғлаган ёш тадбиркор Дилмурод Қурбоновнинг шижоати ҳам эътиборимиздан четда қолмади. У 250 миллион сўм маблағ сарфлаб, ўзига хос савдо маркази барпо этмоқчи.

Ибрат кўчасидаги иккита кўп қаватли уй таъмирланганидан сўнг, хоҳ ишонинг, хоҳ йўқ – иккита янги бинога айланди-қўйди. Энг қувонарлиси, бу уйларни ичимлик суви билан таъминлаш учун еттита сув минораси қурилди.

Маҳалладаги 10-сонли мактабгача таълим муассасаси давлат бюджети ҳисобидан қайта реконструкция қилинди. Жумладан, замонавий эшик-деразалар, иситиш воситалари ўрнатилиб, бинонинг эски томи тўлиқ янгиланди. Боғча ҳовлиси ва хоналар деворлари эртак қаҳрамонлари тимсоли солинган расмлар, ҳайкалчалар билан безатилди.

Қаердаки ободлик ва саранжом-саришталик бўлса, у ердан қут-барака аримайди. Бунинг ижобатини Ат-Термизий номли маҳаллада ҳам кўрдик. Қаранг, яқиндагина бу ердаги 31-сонли умумтаълим мактаби таъмирдан чиқарилибди. Шу билан бирга, 140 ўринли 9-сонли мактабгача таълим муассасаси таъмирдан сўнг мутлақо янгича қиёфа касб этибди. Кўриб, ҳавасимиз келди. Маҳалла учун маъмурий бинонинг қурилгани ҳам ажойиб иш бўлибди. Кам таъминланган оилалар ҳам эътибордан четда қолмаган. Улар учун иккита 2 қаватли уй таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

– «Юртим жамоли» ва Ат-Термизий маҳаллаларидаги 2 та ётоқхона биноси мукаммал таъмирланиб, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 32 та оилага фойдаланишга топширилди, – деди биз билан суҳбатда туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Аҳмаджон Йўлдошев. – Шунингдек, ногирон, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ёлғиз оилаларга туман ҳокимлиги ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан уй-жойларни таъмирлашга керак бўладиган қурилиш материаллари етказиб берилмоқда.

«Янги диёр» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди ҳам мисоли қурилиш майдонига айланибди. Барча бинолар янгиланяпти. Бу янгиланишлар одамлар қалбига ҳам кўчган. Яратувчилик ишқи билан ёниб турибди-да улар. Буни уларнинг ҳаракатларию нигоҳларидан сезиш мумкин. Маҳалладаги бажарилаётган ишлар кўламини биргина мисол билан ифодалаб бўлмайди. Бизнинг диққатимизни бу ерда қурилаётган хусусий боғча жалб этди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 569 миллион сўмни ташкил этувчи бу иншоот «Камалак янги диёр» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилмоқда.

Музработ туманида Дастурдан ўрин олган ишларнинг барчаси бугунги кунга келиб ниҳоясига етказилмоқда. Бу билан қишлоқлардаги ишлар якунланди деган фикрдан йироқмиз. Қишлоқларда бунёд этилган иншоотларни бориб кўрар эканмиз, бизни қарши олаётган ишчи-хизматчи-ю оддий кишиларнинг «Яратганга шукрлар бўлсин, бундай ишлар тушимизга ҳам кирмаган эди. Юртбошимизнинг бу ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, қилинаётган ишларни энди ўзимиз давом эттиришимиз керак», деган сўзларини кўп бора эшитдик. Ободлик йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларни халқимизнинг кўнглидан чиқаётган ана шундай шукроналиклардан илғаш мушкул эмас.

## ДАСТУРЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Умуман олганда, Сурхондарё вилоятида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурларини амалга ошириш йўлида қилинаётган бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари воҳанинг барча ҳудудларида амалга оширилмоқда.

Статистик маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида бугунги кунгача дастурлар доирасида 2018 йилга режалаштирилган ишларнинг деярли барчаси амалга оширилиб бўлинмоқда.

– «Обод қишлоқ» дастури бўйича 261,5 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг 1 ноябрига қадар бу маблағнинг 130,9 миллиард сўми молиялаштирилди, – дейди Сурхондарё вилояти ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Алишер Амиров. – Шу ҳисобдан ушбу санагача 5 075 та уй-жой таъмирланди, бу эса дастурда белгиланган режанинг 86 фоизини ташкил этади.

Албатта, булар фақат рақамлардаги маълумотлардир. Агар амалга оширилган барча ишлар бирма-бир хаспўшлаб чиқилса, салкам ярим йил давомида қилинган бу ишларни бир неча йиллар давомида ҳам якунлаш мушкуллиги аён бўлади.

Эътибор беринг, шу давр ичида биргина ижтимоий соҳа объектларининг 77 тасида, шулардан 14 таси мактабгача таълим муассасаси, 38 та ўрта умумтаълим мактаби, 16 та қишлоқ оилавий поликлиника, 2 та касб-ҳунар коллежи ва шу йўналишдаги бошқа объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Сурхондарё вилоятининг кўпгина ҳудудлари тоғ ва тоғолди ерларда жойлашган. Шу сабабли ҳам ана шундай ҳудудларда дастурларда белгиланган вазифаларни қишли-қировли кунларгача якунлаш талаб этиларди. Хусусан, Бойсун, Узун, Сариосиё туманларидаги ишлар жадаллик билан олиб борилди.

Бойсун туманидан «Сайроб» ва «Чилонзор» маҳалла фуқаролар йиғинларининг қишлоқлари дастурга киритилган эди. «Сайроб» қишлоғида 654 та хонадон, 785 та оила, 3 702 нафар аҳоли истиқомат қилса, «Чилонзор» қишлоғида 712 та хонадон, 854 та оила мавжуд бўлиб, 3 523 нафар аҳоли яшаб келмоқда. Ҳар иккала қишлоқ ҳудудларидаги мактабгача таълим муассасалари, мактаблар тўлиқ мукаммал таъмирдан чиқарилиб, болажонларга фойдаланиш учун топширилди.

Қишлоқлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга катта эътибор қаратилди. Биргина «Сайроб» қишлоғи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш учун 2,75 километрлик ичимлик суви қувури тортилиб, хонадонларнинг барчаси ичимлик суви билан таъминланди.

Бундан ташқари, «Обод маҳалла» дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун вилоятда амалга ошириладиган ишларга 19 миллиард 64 миллион сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган. Хусусан, ижтимоий соҳа объектлари учун 1 миллиард 976 миллион сўм ажратилган бўлиб, айни шу маблағ ҳисобидан 4 та иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириш кўзда тутилган.




Дастурга мувофиқ, 12 та якка тартибдаги уй-жой таъмирланиб, 2,8 километр пиёдалар йўлакчаси барпо этилди. 200 дона кўча ёриткичи ўрнатилиб, 2,8 километр масофада мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазилди. Ҳар бир ҳудуд каби Сурхондарё вилоятидаги маҳаллаларнинг ички йўлларида абгор аҳволдагилари топиларди. Ана шундай йўлларнинг 10 километрдан зиёдроғи таъмирдан чиқарилган бўлса, 4,5 километрлик электр тармоқлари янги қиёфага келтирилди.

– Дастурлар қабул қилиниб, бу борадаги ишлар бошланганда, айримлар қилинажак ишлар якунига етказилишига ишонч билдиришмаганди, – дейди биз билан суҳбатда вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Алишер Салоҳиддинов. – Лекин ўзбекнинг «Кўз қўрқоқ, қўл ботир» деган нақли бекор айтилмаганига амин бўлиб, ишончсизлик кўзлари ўрнини эртанги кунга, юрт ободлиги, халқ фаровонлигига бўлган ишонч эгаллади. Ўзингиз тасаввур қилинг, йиллар давомида ҳеч бир раҳбар бормаган чекка туманларнинг чекка қишлоқларида янги-янги уйлар қурилса, эски, нураб ётган қишлоқ врачлик пунктларию мактабгача таълим муассасалари, мактаблар янги қиёфа касб этиб, ўйдим-чуқур йўллар янгиланса, кимнинг келгусида ҳам бугунгидан кўра яхшироқ яшаш иштиёқи бўлмайди. Энг асосийси, ана шу дастурларни бажаришда ҳар бир раҳбар ўзига юклатилган ишга масъулият билан ёндашиши пировардида, кўпгина ечилмайдиган муаммолар ҳам бартараф этилиб, халқнинг оғири енгил бўлди.

## ҚАДИМИЙ КЕНТНИНГ БУГУНГИ ЖАМОЛИ ЎЗГАЧА

Термиз Ўзбекистоннинг энг жанубий шаҳри ҳисобланиб, қўшни Афғонистон чегарасидан ўтувчи Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Шаҳар ёнидаги «Дўстлик кўприги» Ўзбекистонни Афғонистон билан боғлаб туради.

Янги шаҳарнинг шарқидан унча узоқликда бўлмаган эски Термизнинг қачон вужудга келгани аниқ эмас. Археологларнинг турли йиллардаги топилмаларни ўрганиши асносида, 2002 йилнинг апрель ойида Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланди.

Манбалардан шу нарса маълумки, Термиз эрамиздан аввалги VI асрда Аҳамонийлар давлати таркибига кирган кўҳна шаҳарлардан бири сифатида эътироф этилган. Эрамиздан аввалги 329 йилда шаҳарни Александр Македонский қўлга киритган. Кейинчалик Юнон-Бактрия подшоҳлиги асосчиси Деметрий шаҳарни Деметрис дея атаган. Шаҳар Кушон подшоҳлиги таркибига кирган вақтлари (эрамизнинг I асридан III асригача бўлган давр) Та-ли-ми деган номни олган. Ўша даврларда бу ер буддизмни кенг тарқатиш марказига айланган.

Асрлар давомида Термиз кўплаб подшоҳликлар қўл остига ўтади.

IX-X асрларга келиб шаҳар йирик савдо, ҳунармандчилик, илмий ва маданий марказлардан бири сифатида тарихдан ўрин олган. Ўша даврларга келиб шаҳарни мудофаа қилувчи деворнинг узунлиги 10 километрни ташкил этиб, шаҳарга 9 та дарвоза орқали кирилган.

1220 йили икки кунлик қамалдан сўнг ўша даврда Хоразмшоҳ давлати таркибида бўлган Термиз шаҳри Чингизхон аскарлари томонидан вайрон қилинади. XIII асрнинг иккинчи ярмидан Темурийлар давлатига киришга улгурган шаҳар Сурхондарёнинг ўнг соҳилида, шарқий томонда қайтадан бунёд этилади. Турли ихтилофлар туфайли бироз вақт ўтгач, шаҳар ҳувиллаб қолиб, қадимий кентга яқин Салават ва Паттаҳисор қишлоқларида аҳоли яшаб қолади.

1893 йилнинг январида Паттаҳисор яқинидаги ерлар шаҳар билан бирга Бухоро Амири томонидан чор Россиясига чегараолди ҳарбий истеҳкоми қуриш учун бериб юборилади. Ўша даврда бу ерда қалъа, ҳарбий шаҳарча ва Амударёда дарё бандаргоҳи барпо этилади. 1928 йилга келибгина шаҳар ўзининг қадимий номи – Термиз номини олади ва 1929 йили шаҳар мақоми берилади.

Вужудга келганидан буён ана шундай тарихий воқеалар бўлиб ўтган мазкур шаҳар мустақиллик йиллари давомида ўзгача қиёфага кирди. Термиз шаҳри бугун таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Қурилаётган уй-жойларни қўя турайлик, одамлар турмуш тарзи, янгиликка интилиши ва келажакка ишончи янада юксаляпти. Воҳа аҳли Термизда кейинги пайтда рўй бераётган янгиликларга ўзгача нигоҳ ила боқмоқда...

Вилоят марказида барпо этилган янги санъат саройи, савдо мажмуалари, меҳмонхоналар, илм даргоҳлари, аэропорт йўналишида йўлнинг икки бетида қурилган замонавий лойиҳадаги уй-жойлар, қайта таъмирланган қадимий зиёратгоҳлар шаҳарга кўрк бериб турибди.

– Шаҳарнинг бугуни кўз олдимизда шаклланмоқда, – дейди Сурхондарё вилояти бош архитектори Камолиддин Эшматов. – Эски, пастқам, замон талабига жавоб бермайдиган кўплаб қурилмалар бузиб ташланиб, улар ўрнида турли замонавий биноларнинг қад ростлаши бу қадимий кентнинг янада чирой очишига сабаб бўлмоқда.

2017 йилнинг сентябрь ойида Термиз шаҳрида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Сурхондарё дарёси бўйида «Амударё» дам олиш маскани барпо этилганидан юртдошларимизнинг аксарияти хабардор бўлса керак. 70 млрд сўмдан ортиқ маблағ эвазига қурилган мазкур мажмуада аҳоли дам олиши учун пляж, замонавий болалар соғломлаштириш оромгоҳи, бахшичилик мактаби, маҳалла фуқаролар йиғини биноси, спорт-соғломлаштириш маркази, ёшлар ижодиёти ва китоб мутолааси заллари, ёпиқ ва очиқ сузиш ҳавзалари, қайиқлар турар жойи, мусиқали фаввора, профилактика инспекторининг хизмат уйи, умумий овқатланиш шохобчалари, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, сунъий қопламали футбол майдончалари, пляж футболи майдони, кулги хонаси каби бир қатор объектлар ўрин олди.

– Нафақат термизликлар, балки шаҳримиз меҳмонларига ҳам хуш ёқадиган ушбу масканнинг барпо этилиши жараёни ҳамон кўз олдимдан кетмайди, – дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. – Одам юролмайдиган чакалакзор бўлган бу ерни сўлим оромгоҳга айлантириш учун катта ҳажмдаги иш амалга оширилди. Аҳоли ёзда мириқиб дам олиши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Шу ўринда, мана шундай гўзал масканни барпо этишда бош-қош бўлган Юртбошимизга миннатдорлик билдирмоқчи эдим. У кишининг саъй-ҳаракатлари, жонбозликлари туфайли бу жойлар обод бўлди.

Кези келганда айтиш керакки, Термиз шаҳри яқин келажакда қурилиш услуби, замонавийлик даражаси, инфратузилманинг ривожланиши бўйича юртимизнинг бошқа шаҳарларидан ҳам ўзиб кетиши мумкин. Буни шаҳарнинг бугунги кунини кўриб, шундай хулосага келиш табиий.

Сурхондарё аҳли бугун ана шундай янгиликлар, ўзгаришлар оғушида яшаяпти. Биз буни ўз кўзимиз билан кўриб, юракдан ҳис қилдик. Шундай экан, бу жараён бундан кейин ҳам давом этади, деган умиддамиз. Зеро юрт ободлиги, эл тинчлиги бу юртда яшайдиган халқнинг келажакка бўлган ишончини оширади, Ватанга бўлган муҳаббатини юксалтиради.

**Дилшод ЖАЛОЛОВ,**
**Саид МЕЙЛИЕВ,**
**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
**Эшмуҳаммад ҲАЛИЛОВ (фото)**
**«O'zbekiston bunyodkori»нинг махсус мухбирлари.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Абдумуталлиб Ўктамов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Дилфуза Хабибова

Таҳририят ҳамкорлари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш ва лойиҳалаш институтлари.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (қабулхона) 71-244-21-71, (котибият) 71-244-05-15 (факс), 71-244-15-13, (бухгалтерия) 71-244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 71-244-21-71, 71-244-40-68 (факс).
E-mail: uzbunyodkor@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қашқадарё вилояти бўйича: 90-720-33-03.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 93-466-74-84.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1107.
2439 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Ш. Хўжаев.

ЎзА якуни – 23.20. Топширилди – 00.05.

123456